

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2020 йил январь ойининг 7-куни жиноят ишлари бўйича Шароф Рашидов туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Г.Ялгашев, судья ёрдамчиси О.Яхшибоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурори ёрдамчиси М.Нурматов, гумон қилинувчи [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан [REDACTED] хамда [REDACTED] ларга оид 1-1302-2001/6-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Гумон қилинувчи: [REDACTED] ([REDACTED])-19[REDACTED] йил 7 февралда [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, [REDACTED] шаҳар, [REDACTED] маҳалласи, [REDACTED] кўчаси 25/1-уйда яшайди.

Гумон қилинувчи: [REDACTED] ([REDACTED]) 198[REDACTED] йил 02 июнда [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “[REDACTED]” фермер хўжалиги раҳбари, [REDACTED] тумани, [REDACTED] маҳалласи, [REDACTED] кўчаси [REDACTED]-уйда яшайди.

Суд иш ҳолатлари билан танишиб, тарафлар фикрини тинглаб, ишда тўпланган далилларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тергов органи томонидан [REDACTED] 2019 йил [REDACTED] июнь куни соат 00-30 ларда [REDACTED] тумани, [REDACTED] маҳалласи ҳудудидан ўтган [REDACTED] автомобил йўлининг ёнида жойлашган “[REDACTED]” чойхонаси рўпарасида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, ҳеч бир сабабсиз [REDACTED] билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, уни ҳақорат қилиб, қасддан тан жароҳати етказиш мақсадида, уни ерга йиқитиб бош ва пешонасига уриб, “соғлигини бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати” етказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинувчи тариқасида ишда жалб қилинган.

Тергов органи томонидан [REDACTED] 2019 йил [REDACTED] куни соат 00-30 ларда [REDACTED] тумани, [REDACTED] маҳалласи ҳудудидан ўтган [REDACTED] автомобил йўлининг ёнида жойлашган “[REDACTED]” чойхонаси рўпарасида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан



менсимасдан, [REDACTED] билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, бир-бирларини ҳақорат қилиб, қасддан тан жароҳати етказиш мақсадида, уни юзи, ўнг кўзи ва бурнига уриб, “соғлигини бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати” етказиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинувчи тариқасида ишда жалб қилинган.

[REDACTED] судга ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилган ишдан пушаймонлигини, [REDACTED]нинг даволаниши учун ёрдам бериб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, унинг даъвоси йўқлигини ҳамда у билан ҳеч бир тазйиқсиз ярашганлиги сабабли жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

[REDACTED] судга ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилган ишдан пушаймонлигини, [REDACTED]нинг даволаниши учун ёрдам бериб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, унинг даъвоси йўқлигини ҳамда у билан ҳеч бир тазйиқсиз ярашганлиги сабабли жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида мазкур модда биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган, айбига иқрор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва иш бўйича етказилган зарарни бартараф этган шахс жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ушбу иш бўйича гумон қилинувчи [REDACTED] ва [REDACTED] айбига иқрор, бир-бирларига даъволари йўқ, етказилган зарарлар тўлиқ қопланган ва давлат манфаатларига зарар етказилмаган.

Суд гумон қилинувчи [REDACTED] ва [REDACTED]ларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш тўғрисидаги фикрини тинглаб, гумон қилинувчи [REDACTED]нинг айбига иқрорлиги, [REDACTED]га етказилган зарарларни тўлиқ қопланганлиги, унинг даъвоси йўқлиги, давлат манфаатларига зарар етказилмагани, ярашув тўғрисидаги аризалар ихтиёрий равишда маслаҳатхонага киришдан олдин тақдим этилгани, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси асосида тугатиш учун монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, ярашганлик тўғрисидаги аризаларни қабул қилишни ва [REDACTED]га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топади.

Суд гумон қилинувчи [REDACTED] ва [REDACTED]ларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш тўғрисидаги фикрини тинглаб, гумон қилинувчи [REDACTED]нинг айбига иқрорлиги, [REDACTED]га етказилган зарарларни тўлиқ қопланганлиги, унинг даъвоси йўқлиги, давлат манфаатларига зарар етказилмагани, ярашув тўғрисидаги аризалар ихтиёрий равишда маслаҳатхонага киришдан олдин тақдим этилгани, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]-моддаси асосида тугатиш учун монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, ярашганлик тўғрисидаги аризаларни қабул қилишни



ва [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топади.

Шу билан бирга, суд [REDACTED] ва [REDACTED] ларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 582-586 моддаларига асосан суд ажрим қилади,

А Ж Р И М:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан [REDACTED] ([REDACTED])га нисбатан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

[REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан [REDACTED] ([REDACTED])га нисбатан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

[REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича етказилган зарарлар қоплангани инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман суди орқали жиноят ишлари бўйича [REDACTED] вилоят судига хусусий шикоят беришга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

имзо

Г.Ялгашев

Аслига тўғри

